

ТИББИЙ БУЮМНИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА **Вита-ПОС®**

Тиббий буюмни қўлланилишига доир савдо номи: Вита-ПОС®

Чиқарилиш шакли: кўз суртмаси

Таркиби:

1 г суртма қуйидагиларни сақлайди:

Фаол модда: ретинол пальмитат 250 ХБ

Ёрдамчи моддалар: оқ вазелин, суюқ парафин, оч суюқ парафин, ланолин.

Хусусиятлари

А витамини кўз ёшининг таббий компоненти ҳисобланади.

У турли биокимёвий жараёнларда иштирок этади: липидлар, оксиллар синтезида, минераллар алмашинувида, холестеринни ҳосил қилиш жараёнларида, шунингдек ҳужайра регенерациясини яхшилади. А витамини иммуностимулятор бўлиб, интерлейкинлар ва интерферонлар ишлаб чиқарилишини таъминлайди ва мейбомия безларининг секрециясига ижобий таъсир кўрсатади. Вита-ПОС® суртмаси шох парда юзасига бир текис тақсимланади, кўз ёши плёнкасининг липид қатламини тиклайди, барқарорликни таъминлайди, шох пардани намлайди ва ҳимоя қилади ва регенерация жараёнларига ёрдам беради.

Қўлланилиши

Вита-ПОС® кўзлардаги ачишиш хисси, “куруклик”, ёд жисмларни, қумларни хисси, рефлектор кўз ёш оқишида ноқулайликни бартараф қилади, тутун, шамол, ултрабинафша нурлари, кондиционер хавоси, телевизорни узоқ вақт кўриш ва компьютерда интенсив ишлашдан кейин келиб чиққан кўзларни таъсирланишида ва чарчокликда, шунингдек офтальмологик операциялардан сўнг, жароҳатлар, қуйишлар, шох пардани контакт линзаларни тақиб юриш ва ноқулайлик жараёнларида қўлланилади.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Вита-ПОС® нинг таркибига кирувчи компонентларига юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

Қўллаш усули ва дозалари

Кунига 1 мартадан 3 мартагача конъюктивал қопчасига 1 см узунликдаги тасмани қўллаш тавсия этилади. Қўллаш тез-тезлиги Сизнинг хис туйғуларингизга, турмуш тарзингизга ва офтальмологик тавсияларга қараб индивидуал равишда ўрнатилади. Вита-ПОС® ни қўллаш, айниқса ётишдан олдин самарали ҳисобланади. Даволаниш муддати чекланмаган.

Қўллаш усули:

Кўз суртмасини шундай тарзда қўллаш керакки, туба учини кўзга ёки кўз терисига тегиб кетишидан сақланиш керак. Туба қалпоғини бураб очинг. Туба қалпоғида ҳимоя ҳалқаси бор, тубани биринчи марта очанингизда ажралиб чиқади. Бу тубани биринчи марта қўлламагунга қадар хавфсизлигини таъминлайди ва шу билан сизнинг хавфсизлигингизга хизмат қилади. Агар биринчи марта қўллангандан олдин тубани ҳимоя ҳалқаси

шикастланмаган бўлса, ВитА-ПОС® буюмини қўллаш мумкин. Кўз суртмасини биринчи марта қўллашдан олдин, илтимос ушбу химоя ҳалқасини туба резбасидан ажратиб олинг ва унинг ташлаб юборинг. Бошингизни орқага ташланг, пастки қоғоғингизни бир оз тортинг ва тубани енгил босинг конъюктивал қопчасига озгина суртма тасмасини суртинг. Кўзларингизни секин-аста юминг. Фойдаланиб бўлганингиздан кейин тубани қобқоғини яхшилаб буруб қўйинг. Кўз суртмасини тубадан енгил босиш орқали, тубани эзмасдан ва бураб ташламасдан чиқариб олинг.

Қонтакт линзаларни тақиб юриш учун тавсиялар

ВитА-ПОС® ни тўғридан-тўғри контакт линзалар усига қўллаш мумкин эмас. Кечаси линзаларни олиб ташлаганингиздан кейин ВитА-ПОС® ни қўллаш мумкин.

Дори воситалари билан ўзаро таъсири

ВитА-ПОС® ни бошқа офтальмологик воситалар билан бир вақтда қўллаш тавсия этилмайди. Бундай ҳолатларда ВитА-ПОС® ни фақат бошқа офтальмологик препаратларни қўллашдан 30 минут ўтгач қўллаш мумкин.

Болаларда, ҳомиладорлик вақтида ва эмизикли даврида қўлланилиши

ВитА-ПОС® ни болаларда, шу жумладан янги туғилган чақалоқларда, шунингдек ҳомиладорлик ва лактация даврида қўллаш мумкин.

Автотранспортни ҳайдаш ва механизмларни бошқариш қобилиятига таъсир этиши

ВитА-ПОС® кўз суртмаларини қўлланилганидан кейин дарҳол қисқа муддатли “кўришни хиралашити” пайдо бўлиши мумкин, шунинг учун механизмлар билан ишлаш ва автотранспортни ҳайдашдан олдин буюмни дарҳол қўллаш тавсия этилмайди.

Ўрамини

5 г кўз суртмаси полиэтилен учлик ва бураладиган қопокли алюмин тубаларда. 1 туба тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутиларга жойланади.

Яроқлилик муддати

3 йил.

Туба очилганидан сўнг 6 ой давомида қўллаш тавсия этилади.

Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати ўтганидан сўнг қўлланилмасин.

Сақлаш шароити

25°C дан юқори бўлмаган ҳароатда сақлансин.

Болалар ололмайдиغان жойда сақлансин.

Бериш тартиби

Рецептсиз берилади.

Ишлаб чиқарувчи:

Урсафарм Арцнаймиттель ГмбХ и Ко. КГ

(URSAPHARM Arzneimittel GmbH & Co. KG).

Индустриштрассе, Д-66129 Саарбрюкен, Германия

(Industriesstraße, D-66129 Saarbrücken, Germany).